



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қутлуғ санага муносиб ютуқлар билан



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги

Сирдарё вилояти истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада кўрамлади. Солиштириш учун 25 йил ортга назар ташла-сангиз, буткул ўзгача манзара кўз олдинида гавдаланади. Туманлар тугул Гулистон шаҳрида ҳам томоша қилиб айлангилар, маданий ҳордиқ чиқарадиган маскан тополмас-дингиз. Вилоятда тадбиркорлик йўғ ҳисоби эди, асосий меҳнат ер билан боғлиқ бўлиб, савдо мада-нияти орқада, бозорлар ғариб эди. Эсимда, оддий мактаб харидлари учун пойтахт бозор-ларига боришимизга тўғри кел-ган. Хаста одам ҳам шифо излаб пойтахтга йўл оларди.



Бугун эса вилоятнинг чекка ту-манлари ҳам шаҳармонанд кўри-ниш касб этган. Вилоят кифаси узокни ўйлаб тузилган режа асо-сида изчил ривожланиб бормоқда. Бозорлар йириклашган, замонавий савдо дўконлари хилма-хил мол билан тўла. Аҳолига жаҳон стан-



дартдаги тиббий хизмат кўрсату-чи шифо масканлари бунёд этил-ди. Бунга истиқлол яратиб берган буюк имконият туфайли эришил-ганлиги барчамизга аён.

дан келтирилган юртимиз бугун ишлаб чиқариш соҳаларида жаҳон мамлакатлари билан буйлашмоқда. «Made in Uzbekistan» белгиси ос-тидаги маҳсулотлар дунё бозорла-рини ҳам забт этаётир. Вилоятда саноат маҳсулотла-ри ишлаб чиқариш ҳажми йил-

дан-йилга ошиб бормоқда. Бун-да мавжуд йирик саноат корхо-наларининг модернизация қили-ниши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари таш-кил этилиши, давлатимиз томо-нидан кўллаб-қувватланиб, улар-га бир қатор имтиёзлар берил-гани муҳим омил бўлмоқда. Рақамлар сўзимизни исботла-ди. 2003 йилда норасмий сектор-да 66,1 млрд. сўмлик маҳсулот-лар ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 257,4 млрд. сўмни ташкил этди. Худу-дий саноат корхоналари томони-дан 2010 йилда 130,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқ-арилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 809,6 млрд. сўмга етди. Энг қувончлиси, енгил са-ноатни ривожлантириш ҳисобига вилоятда пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2009 йилдаги 7 фоиздан 2016 йилга келиб 28,8 фоизга етди. Хозирда вилоятда 17 та йирик, 1154 та кичик саноат корхонала-ри фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги етти йил мобайнида кенг миқдор-даги инвестициялар жалб этилиб, янги замонавий корхоналар то-монидан 1,2 трлн. сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 185 млн. долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

КОРАКАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Амударё туманининг Дўрмон, Обёки каби олис овулларида яшовчи 20 мингга яқин аҳоли томорчилари, Ҳалимбет массивидаги 65 фермер хўжалигининг 7 минг гектарга яқин экин майдонларини оқар сув билан таъминлаш асосида капитал реконструкция қилинган канал олдинги 3,5 кубометр ўрнига эндиликда ҳар сонияда ўртача 8,3 кубометр сув ўтказиш қувватига эга бўлди. Натижада, илгари фойдаланилган юзга яқин электр сув насосларига эҳтиёж қолмади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманганда салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда лойиҳаларнинг давлат экологик экспертизасидан ўтказишда объектларнинг санитария ҳимоя зонасини ўрнатил, «Муҳо-фаза этиладиган табиий ҳудуд» мақоми берилган жойлардаги субъектлар томонидан тегишли махсус талабларга риоя этилиши таъминлаш, атмосфера ҳавосини инфослантирувчи моддаларнинг мейёрдан ортиқча ташлани-шига йўл қўймаслик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чикиндилла-рини утилизация қилиш масалала-ри юзасидан фикр алмашилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонида Ватанимиз мустақилли-гининг йилгирма беш йиллиги муносабати билан «Ўзгал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» ширин остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда истиқлол йилларида маънавият, адабиётга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижод аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватланаёт-гани алоҳида таъкидланди. Самарқанд шаҳридаги «Китоб олами» мажмуасида ўтган адабий-бадиий учрашуда китоб ва китобхоналик, истиқлол берган имкониятлар, наққорон авлод камолоти қаратилаётган алоҳида эътибор, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўз юритилди.

Бандлик

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилот-лари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенга-ши аъзоларнинг хоҳиш ва истаклари-ни инобатга олган ҳолда тасарруфдаги «Урганч тезкор матбаа», «Урганч мастер сервис» корхоналари билан музокара олиб бо-риб, уларга ўз тав-сияларини берди. Таклифларни ўрган-ди. Шу тариқа «Хоразм е'lonlari gazetasi» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Бахтиёр болалар мамлакатини

Ёз завқли ўтмоқда

ЎЗИНГИЗ ГУВОҲИ БЎЛАСИЗ

Томди туманида жойлашган «Арай» ором-гоҳи ёз кунларида нақ жаннатмакон гўша-га айланади. Ахир Томдибулоқнинг суви мазкур ором-гоҳнинг этакидан оқиб ўтади-да. Чўлда бит-та дарахтни ўстириш қанчалар азоблигини айтмасам ҳам биласиз. Аммо, шундай шароити оғир жойда сўлим, соя-салқин оромгоҳни кўриб, дилингиз яйрайди. Ховлиларга сув се-пилган, гуллар очилиб турибди! Оромгоҳ бошлиғи Жулдузой Утемурато-

ва чўлнинг ҳақиқий қаҳрамон қизи деб эъти-роф этишга лойиқ инсон. 80 нафар бола-жон маза қилиб, мазмунли дам олиши учун тиниб-тинчимайдиган бу раҳбар уларнинг шўх-шодон кулгусидан завқ олади. Тарбиячи опаларнинг кўп йиллик тажриба-лари сабаб, ҳар кун оромгоҳда янгидан-янги тадбир ва машғулотлар ташкил этилмоқ-да. Тўғаракларда иш қизгин. Болалар қувон-чи, фаоллиги таърифга сизмайди. Машғул-отларни кузата туриб, ўзингиз ҳам тезда улар-га киришиб кетасиз. Соғлом муҳит, бегубор-лик ва самимийлик бунга сабабдир.

Жазирама ёз кунларида ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган бир-бирдан сўлим масканларда мириқиб дам олишга нима етсин?! Дарҳақиқат, мавсумга «Соғлом она ва бола йили» дастур тадбирла-ри доирасида тайёргарлик ишлари кенг қўламда олиб борилди. Натижаси ҳам шунга яраша. Жорий йилда Навоий вилоятида 36 та, шундан 12 таси стационар, 24 таси кундузги оромгоҳда 16 минг 222 нафар боланинг дам олдирилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда беш мингдан ортиқ болалар соғломлаштирилаётир.



Янги иш ўринлари

Кўп ўтмай МЧЖнинг «Хоразм е'lonlari» газетаси давлат рўйхатидан ўтказил-ди. У вилоятда реклама ва эълонларга ихтисослашган биринчи нашрдир. «Хоразм е'lonlari gazetasi» МЧЖ Урганч шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасидаги янгидан бунёд қилиниб хизмат кўрсат-иш ва сервис шохобчалари-га мўлжалланган бинолардан бирига жойлашди. Эндилик-да МЧЖ фаолиятини шинам офисда олиб бормоқда. 9 та янги иш ўрни яратилди, 4 на-фар коллеж биятирувчиси иш билан таъминланди. — Ушбу газета тасарруф-даги барча корхона ва ташки-лотларнинг яқин кўмакчиси, мулоқот майдонига айланди, — дейди шаҳар кенгаши раи-си Фозилбек Болтаев. — Тад-биркорлар газета сарҳифлари-га реклама ва эълонларини жойлаштираётгани туфайли фаолиятлари янада жонланга-нини эътироф этмоқда. **Муҳаббат ТУРАБОЕВА,** «Ishonch» мухбири

Менга сўз беринг

ҚАЛЪЛАРДА ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

Алимбой ЖУМАНИЕЗОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:


— Мустақиллик йилларида соғлом ва барка-мол авлодни тарбиялаш, замонавий тиббий ёрда-ми аҳолининг барча қатламга етказиш мамла-катимизда тиббий-ижтимоий соҳада амалга оши-риладиган ислохотларнинг устувор йўналишини ташкил этаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбеки-стон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат да-стури туғрисида»-ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётига изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизи-мида энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббий-профи-лактика, шовишлич ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаш-тирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг му-камал тармоғи яратилди. «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида кенг қўламда чора-тад-бирлар амалга оширилаётир. Бунинг натижасида жаҳон тиббиётининг энг илгор амалиётлари — она ва бола скрининг ҳамда перинатал хизматлар тармоғи мамлакатимиз тиббиётини мустахкам ўрин эгаллади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-дерацияси бузувчи кунда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ман-фаатлари ва уларнинг соғлиқини ҳимоялаш билан бир қаторда ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ҳамда саломатлиги-ни мустахкамлаш йўналишларида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бузувчи кунда касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсат-ётган 17 та санаторийда ҳар йили 100 миң нафардан ортиқ меҳ-наткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилмоқда. Бунда ай-ниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, фертил ёшидаги хотин-қизлар, чек-ка ҳудудларда яшовчи аёллар, оналар ва болалар саломатлигини муста-хкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида ходимлар гим-настикаси йўлга қўйилиб, спорт мусобақаларини ўтказиш анъанаси ай-ланган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, фақат соғлом одамгина ҳам жамиятга, ҳам оиласига фойда келтира олади.

Рўздатжон ТОШБЕКОВ, «Farg'ona» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Истиқлол туфайли эришган ютуқларимиз ҳақида гап кетганда, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилган модернизация ва қайта қуриш ишларида тўхтамасликнинг иложи йўқ. Барчамиз яхши эслаймиз. Тўқсонинчи йиллар бошида нафт рентабелли, керакисиз ва си-фатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришга зўр берган завод-фабрикалар очиқ рақобат муҳити, янги тартиблар ва жаҳон бозори талабларига мослаша олмади иқтидорга юз тўтди. Режа ортидан қувиб ишлаб чиқар-илган сифатсиз товарлар оғирларда чанг босиб ётди. Уша пайтларда ишчи-ҳодимларга бир неча ойлаб, керак бўлса, йиллаб маош тўлай олма-ган корхоналар бўлган. Истиқлол даврида олиб борилган оқилона иқтисод-дий сиёсат натижасида кўплаб йирик ишлаб чиқариш субъектлари Пре-зидентимизнинг махсус фармонлари билан модернизация қилинди. Эски қурилмалар ўрнини замонавий компютерлашган, кам меҳнат ва қувват, хомашё сарфлаб катта самара берадиган линиялар эгаллади. Натижада «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади» белгиси босилган маҳсулотлар дунё-нинг кўплаб минтақаларида харидорлар бунмоқда. Бу билан шартнома тузиш ниятида эшик қоқиб турган хорижий тадбиркорларнинг эса кети-узишмайди. Жумладан, «Farg'ona» АЖ ҳам шундай корхоналардан ҳисоблана-ди. Жамият айнан истиқлол шарафати билан модернизация қилинди. Ушбу вақтда бу ерда бир неча янги цехлар, ишлаб чиқариш линиялари фойдаланишга топширилди. Тайёр маҳсулотлар сифати ва тури кўнайдди. Бугун корхонамиздаги 34 та цех, бўлим ва участкаларда 7,5 миңдан зиёд ишчи-хизматчи, муҳандис ва техник ходимлар меҳнат қилипти. Биринча ўтган йили жамиятимизда 447,7 млрд. сўмлик маҳсулот исте-моқчиларга етказиб берилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 126,4 млрд. сўмлик товар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 107,9 фоиз ба-жарилиди. Корхона фаолиятини ўсиш, шўбасиз, унинг ходимлари, меҳнат ша-роитлари, турмуш тарзи ва даражасига катта таъсир кўрсатади. Бугун акционерлик жамиятимизнинг асосини таққил қилувчи ёшларимиз кўзига боқиб, келажакка ишонч, ўз мамлакатини, ўзи ишлаётган корхона-дан гуруҳларини ҳиссини сезиш қийин эмас. Турғида, кундан-кун чирой очиб бораётган юрда яшани, ривожланиётган корхонада ишлаш ҳар кимда ҳам ўзига, келажакка ишонч уйғотди.

Исमत ОЧИЛОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадар вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Бугун ҳаммамиз ҳеч ким, ҳеч қачон ишор эта ол-майдиган бир ҳаққатдан фахр-иштихор туюб яшап-миз. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муно-сиб жой олганини, «Ўзбек модели»нинг халқаро миқ-сда эътироф этилганини, бир сўз билан айтганда, кўп-ла хавас қилаётган дорилмон кунларимиз, фаровон ҳаёти-миз бундан чорак аср муқаддам 25 йил илгари Президен-тимиз раҳнамолигида тўғри йўл таллаш олганимиз натижасидир. Утаётган ҳар бир кун фикрлашга, муноҳада юритишга ва лозим бўлган-да баъзи нарсаларни қийинлашга ундайди. Зеро фароҳли кунларда уммишни эсласак, енгил ўтишимизга тўғри келган машаққатларни бот-бот ёдга ол-сак, фойдадан холи бўлмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида тинчликимизни бузишга, ёшларимиз оғини захарлашга, турмушимизга оғу солишга интиқиларини унутиб бўлмаслик ахир! Ҳар ёшларни-ку қўйлик, ҳатто оқ-қорани таниган айрим қисмлар ҳам ўзгичани англашга қийинлаш қолган мураккаб вазиятда Юртбошимиз томонидан олиб борилган доно сиё-сат бизни бало-қазолардан халос этганлиги бор ҳақиқат. Мустақиллик йилларида бебаҳо маънавий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз байрақларимизнинг, бутунжаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бобоқалонларимиз табаруқ номига элимизга қайтарилди, топталган миллий ғуруримиз яна бутун бўй-баста билан қад ростланди. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг деврли қайтадан барпо этилганли-ги, меҳнаткаш юртдошларимизнинг турмуш даражасини кўтариш учун ярат-илган шароитлар — буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарафатидир. Яқинда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг муваффақиятли ўтказилиши, дунё аҳолисининг армондан қуни истиқомат қилаётган давлатлар раҳбарларининг Тошкент анжуманида иштирок этганлиги Ўзбекистонимизнинг салоҳияти нечоғли юксак экан-лигини яна бор кўрсатди. Лекин ютуқларимизга хавас билан қараётганлар билан бир қаторда қалби ҳасад ва адоватга тўла, қўлида тош тутган ганимларимиз ҳам борлигини ҳам асло унутмайлик. Шу босидан, Юртбошимиз айтганларидек, ҳаминша хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозим. Аждодларимиз руҳи яшаётган, эртаса фарзандларимиз, авлодларимиз ишайдиган сўзга ва бетакор, муқаддас Ватанимизни асраб-авайлаш барча-мизнинг бурчимиз.



азиздир инсон!

ютуқлар билан

ди. Гулистон шаҳридаги «Гулистон пакет импекс» МЧЖ томонидан йилга 120 тонна полиэтилен пакетларни ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Сирдарё туманидаги «Нихол муслим бизнес» МЧЖ эса йилга 2 минг куб иссиқхона учун клёнка ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширди.

Мебел ва қозғош ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилган 8 та лойиҳа доирасида Гулистон шаҳрида «Хамид мебел» ХК йилга 200 минг комплект мебел ва «Гулистон Мотор» МЧЖ қозғош ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этди. Шунингдек, «Дадаев Зоир» ХК томонидан полиуретандан пойабзал таглиги, «Asian Trade Link» МЧЖ томонидан тайёр чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга асос солинди.

МАРКАЗ ТОБОРА КЎРКАМЛАШМОҚДА

Истиклол йилларида шаҳарларимизнинг ўзига хос мезморий қиёфаси яратилиб, гўзал архитектура намуналари барпо этилмоқда. Гулистондаги кенг қамровли қурилиш ишлари ҳам бунга мисол бўла олади.

Юртбошимизнинг 2015 йил 9 мартдаги «2015 — 2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармойиши асосида шаҳар мелiorация тизимини такомиллаштириш, транспорт хизмати ва автомобил, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий иншоотлар қуриш, янги хийбонлар барпо этиш ҳамда ижтимоий соҳа инфратузилмаси, сув тармоқларини такомиллаштириш каби қатор юмушларга жадаллик билан киришилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаган шаҳарнинг Бош режасига асосан худудда улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари ниҳояланмоқда. Айни пайтда шаҳар майдони 2000 гектардан 3600 гектарга кенгайтирилди. Зарбдор, Мевазор, Қаропчи, Деҳқонobod, Ташкент мавзелари шаҳар худудига киритилди.

Тизимли ишлар самараси ўларoқ ер ости суви сатҳини 1,5 метргача пасайтиришга эришилди. «Дўстлик» канали таъмирланиб, сизот сувлари қочирилиши, ҳеч бир муболагасиз, янги бунёдкорлик ишларига йўл очди. Қабул қилинган Дастур доирасида шаҳар транспорт хизматини тўғри ташкил этиш ишлари режа қилиниб, ҳозирда 62 та «Исузу» русумли автобус олиб келиниб, йўналишларга қўйилди. Бугина эмас, автомобил йўл

инфратузилмасини ривожлантириш борасида жами узунлиги 12,76 км. бўлган 10 та автомобил йўли ва кўчалар, 2 дона кўприк ва йўл ўтказгични реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.

Кези келганда, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, канализация тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилаётганини таъкидлаш лозим. Қувонарлиси, каналнинг ўзигина эмас, ён-атрофи ҳам обод бўлиб бормоқда. Оқар сув ёқасида барпо этилган, этилаётган дам олиш ва спорт иншоотлари, чўмилиш ҳавзаси, замонавий истироҳат боғи баҳри дилингизни очади. Ҳозир бу ерда нафақат оналар ва болалар, балки энди оила қураётган келин-куёвлар ҳам сайр этиб, ўз келажаги ҳақида ширин орзуларга берилди.

Шаҳар мезморий қиёфасини яхшилаш ва архитектура ансамбллари ташкил этиш бўйича аниқ режалар бор. 1335 та эски кўримсиз бино ва иншоотлар, жумладан, 1044 та тураржой биноси ҳамда 291 та нотураржой биноси бузилиб, улар ўрнида замонавий, қулай уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохбчалари ҳамда маданий дам олиш марказлари қурилиши белгиланган.

Аҳоли тураржой шароитини яхшилаш мақсадида жами 97 та кўп қаватли уй-жой барпо этилади. Шундан 20 та тўрт қаватли уй қурилиши учун 19 млрд. сўмлик ишлар ниҳоясига етди. Сайхун кўчасида қад рoстлаётган уч қаватли 26 та уйдан 17 таси ҳозирда шаҳар кўрғига кўрк қўшиб турилди.

Гулистон шаҳри марказидаги янгидан қурилиши, реконструкция қилиниши ва мукамал таъмирланиши режалаштирилган 12 та объект лойиҳалаштирилган. Жумладан, О.Ҳўжаев номидаги театр биноси, Маданият маркази, Кенгашлар уйи, 1500 ўринли амфитеатр, шунингдек, «Дўстлик» канали қирғоғида хийбон ва дам олиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган.

ТЎЕНА

Вилоятда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб совға ҳозирлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бир неча йирик саноат корхоналарини ишга тушириш белгиланган.

Хусусан, Гулистон шаҳрида «WANGDA METALL» МЧЖ томонидан умумий қиймати 12,5 млрд. сўмлик йилга 1,5 минг тоннадан ортиқ металл қайта ишлаб, қишлоқ хўжалиги ва йирик саноат корхоналарига бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилди.

Боевут туманида «Гул Рен Текс» корхонаси негизда умумий қиймати 700 млн. сўмлик йилга 1,5 млн. дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа, Гулистон шаҳрида «Гулистон медтехника» ҚК томонидан умумий қиймати 20 млрд. сўмлик йилга 192 млн. дона тиббиёт шприцлари ҳамда 24 млн. дона инфузион системалар ишлаб чиқариш, «Сарбонтекс» МЧЖ томонидан умумий қиймати 11 млрд. сўмлик йилга 3000 тонна дона боғламаси ва ип калавани бўш лойиҳалари ташкил этилади.

Вилоятда 1038 та хизмат кўрсатиш шохбчаси, жумладан, 9 та намунавий лойиҳа асосида маиший хизмат кўрсатиш комплекси ташкил этилади. Қишлоқ жойларда 635 та хизмат кўрсатиш шохбчаси ишга туширилди.

Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни қулайлаштириш мақсадида Янгиер шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси, шаҳар қоқумли касалликлар шифохонаси, Оқолтин тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, Гулистон шаҳрида хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати реконструкция қилиниб, 150 ўринга мўлжалланган ётоқхона ва шаҳар ёпик сузиш ҳавзаси қурилади.

Еш оилалар учун мўлжалланган учта кўп қаватли «Камолот» уйлари, вилоятнинг 4 туманидаги 4 та мавзесида намунавий лойиҳалар асосидаги 591 та уй-жой қуриб битказилди. Шунингдек, намуналий уй-жой мавзеларида 8 та бозор инфратузилма объектлари қурилиши якунланди.

Ҳар бир шаҳар ва туманда 25 тадан намунавий кўчалар ташкил этилиб, 4 та спорт майдончалари янгидан барпо этилади.

Қаердаки тинчлик бўлса, ўша жойда фаровонлик бўлади. Фаровонлик эса, ўз навбатида, ободликка олиб келади. Жонажон вилоятимиз ушбу азиз неъмат, имконият тўғрисида янада салобатли ва кўркам бўлиб бормоқда. Беихтиёр «Кеча ким эди, бугун ким бўлди?» деган саволга жавоб топадиган бўламиз. Шундай бетакорор юртда яшаётганимиздан, истиқлол шарофати билан юз тутган келиш имкониятлардан баҳра олиб, юрт раванқига оз бўлса-да ўз ҳиссामизни қўшаётганимиздан кўнглимиз ифтихорга тўлади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Хушхабар

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси «PENG SHENG» МЧЖ Сирдарё туманида жойлашган. Корхона Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи энг йирик лойиҳаларидан ҳисобланиб, ушбу лойиҳа иккала мамлакатнинг ўзаро келишуви асосида юзатга келган.

Корхонага 2009 йили асос солинган бўлиб, унинг муассислигида туманда яна 8 та ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхоналар ташкил этилган. Уларнинг барчаси қўшма корхона раҳбарияти томонидан марказлашган ҳолда бошқарилади.

Бугунги кунда ушбу корхонада керамика кафеллари, Мобил UZTE қўл телефонлари, аёллар ва эркаклар оёқ кийимлари, уй ҳайвонлари ва қушлар учун озуқа, сантехника (смеситель) кранлари, шунингдек, тери маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотлар нафақат мамлакатимизнинг ички бозорлари, балки экспортга ҳам йўналтирилган.

«PENG SHENG» комплексида бугун 1200 дан ортиқ йигит-киз меҳнат қилишаётир. Ишчи-хизматчиларимизнинг асосини ёшлар ташкил қилади. Жорий йилда туман худудида экопарк қурилиши тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Режага замонавий типдаги футбол ўйингоҳи, теннис корти, сузиш ҳавзаси бунёд этиш вазифаси киритилган бўлиб, бугунги кунда очиқ турдаги сузиш ҳавзаси ва футбол ўйингоҳи қурилиши якунланди.

Навбатдаги Ғамжўрлик Намунаси

Бунёдкорлик кўлами кенг бўлиб, экопарк худудига 500 ўринли амфитеатр, турли типдаги аттракцион қурилмалар, шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бинолари, овқатланиш мажмуалари, савдо дўконлари ишга тушиши белгиланган. Қурилиш ишлари ҳозирда жадаллик билан давом эттириляпти.

Комплекс худудига олиб борилаётган обodonлаштириш юмушларидан ишчи-ҳодимлар, аҳоли манфаати кўзланганини англаш қийин эмас. Бу ҳам бўлса давлатимизнинг одамлар турмуш даражасини юксалтириш, фаровонлигини ошириш борасидаги ғамжўрлиги самарасидир.

Фафур ТУРДИҚУЛОВ, «PENG sheng» қўшма корхонаси касабая уюшма ташкилоти раҳбари

Бундан ташқари, корхонага сўнгги турдаги маҳсулотга ёзув босиш дастгоҳи келтирилган бўлиб, у орқали кийимларга безак берилмоқда. Қурилманнинг замонавийлиги ҳам кўп имкониятлар яратмоқда. Масалан, маҳсулотларга буюртма асосида турли шакли, ёзувлардан иборат безак бериш мумкин.

Корхонанинг яна бир бурчаги борки, бу ерда иш доим қизгин. Пештоққа «Моделхона» ёзуви туширилган хонада 6 нафардан иборат дизайнер ва конструктор технологлар либослар кўриниши ва бичимини «тайёр» қилишади.



Кўшмаҳифани «Ishonch» мухбирлари Давронбек ОРИПОВ ҳамда Озода МАМАДАЛИЕВА тайёрлади.

Касаба уюшма ёрдам берди Қонун устуворлиги Таъминланди

Касаба уюшмаларига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили баъзи иш берувчилар ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилишда меҳнат қонунчилиги талабларини четлаб ўтишга ҳаракат қилганини кўрсатди.

Мисол учун, «Чирокчи пахта тозалаш» АЖ ҳодими Турди Нуралиев, «Шўртангакиме мажмуаси» МЧЖ ҳодимаси Марзия Абдуллаева, Қарши туманидаги 34-умумий ўрта таълими мактаби кутубхоначиси Маҳбуба Мусаева, Деҳқонobod туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби ҳодими Асомиддин Раҳимқулов, Халқ банки Қашқадарё вилоят филиали ҳодимаси Сайима Хуррамова, Қарши шаҳар 1-оилавий поликлиника бош врачси Жўрақул Өшимов, Қашқадарё вилоят давлат ветеринария лабораторияси ҳодими Бобошер Алимов, Ғузор тумани 53-умумий ўрта таълими мактаби ҳодимаси Феруза Маматова ҳамда Яқкабоғ қишлоқ хўжалиги касб-хўнара коллежининг ҳодимаси Шаҳноза Жўраева билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишда шундай ҳолат кузатилган. Касаба уюшма ҳуқуқшунослари томонидан ҳужжатлар атрофлича ўрганилиши натижасида ушбу камчиликлар аниқланди. Натижада, иш берувчиларга тақдимномалар киритилиб, ҳодимлар ишга тикланди. Зарур ҳолларда суд органлари томонидан ҳодимнинг мажбурий бекор юрган даври учун тўловлар, моддий ва маънавий зарар ундирилиб, ноқонуний буйруқ чиқарган раҳбарга тегишли жаримлар қўлланилди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида касаба уюшма аъзоларидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига 95 та ёзма, 97 та оғзаки, шунингдек, «Ишонч телефони» орқали 168 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатлар қонун доирасида ўрганилиб, 126 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди.

Абдурашид МУРОДОВ, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мутахассиси

Мукофот, компенсация ва маънавий зарар

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариши, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Бизнес-Дай Медиа» ноширлик уйи МЧЖнинг собиқ ҳодими Феруза Зокирова иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган тўғрисида мурожаат қилди.

Ушбу масала касаба уюшма ҳуқуқшунослари томонидан атрофлича ўрганилганда, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 92,100,101,102,103-моддалари талабларини бузганлиги аниқланди. Шунингдек, жамоа шартномаси ва ташкилотнинг Моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низоми талабларига риоя қилинмаган. Қолаверса, ҳуқуқшунослар қиритган тақдимнома ҳам иш берувчи фикрини ўзгартирмади. Натижада, масала фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилди.

Суд касаба уюшмаси талабини қондириб, Ф.Зокировага жамоа шартномаси асосида Янги йил байрами муносабати билан тўлаишти керак бўлган мукофот пули, МКнинг 112-моддасига кўра ҳамда уни илтимосига асосан ишга тиклаш ўрнига уч ойлик иш ҳақи миқдоридида жами 5 400 000 сўм компенсация ҳамда 1 800 000 сўм маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди.

А.ГАНИБАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариши, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти

Мажбуран ёзилган ариза

Қонлиқўл туманида яшовчи Гулистан Аралбоева, Гулистан Алламуратова, Алина Бекмуратова ва Раҳия Тажимуратова Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилиб, ноқонуний тарзда ўзлари яшаб турган овул фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиси лавозимидан бўшатилганлигини билдиришган.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари маъзур ҳолатлар юзасидан жиддий текширув ишларини олиб боришди. Эеро, фуқаролар мурожаатида кўрсатилган вақлар мавжуд қонунчилик нормаларини ўта кўпол равишда бузиш сифатида талқин қилиниши ва тегишли юридик оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Урганиш жараёнида меҳнат шартномасини бекор қилишда бошқа кўплаб камчиликларга ҳам йўл қўйилгани аниқланди. Аввало, МКнинг 99-моддасига кўра ҳодимлар ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаларини икки ҳафта мuddат ичида бекор қилишлари мумкин эди. Бироқ иш берувчилар томонидан уларга бундай имконият берилмасдан, ариза олинган кунгек меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бундан ташқари, буйруқ нусхалари ҳодимларга берилмаган. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти тўғрисида»ги низоми талабларига ҳам амал қилинмаган.

Натижада, ноқонуний буйруқларни бекор қилиб, фуқароларни лавозимига тиклаш тўғрисида иш берувчиларга тақдимнома берилди. Ижобий натижага эришилмагача, фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Суд жараёнида иш берувчилар томонидан йўл қўйилган барча қонунбузарлик ҳолатлари ўз тасдиғини топди. Ҳал қилув қарорига биноан фуқаролар Г.Аралбоева, А.Бекмуратова, Г.Алламуратова ва Р.Тажимуратова ўзларининг аввалги лавозимларига қайта тикланди. Мажбурий проғул кунлари учун жами 9 млн. 985 минг сўм иш ҳақи ва 3 млн. 400 минг сўм миқдоридида маънавий зарар учун пулли компенсациялар ундириб берилди.

Зулхандер ДАУЛЕТОВ, Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими етакчи юристконсулти

Иш билганга минг танга

«Бек бирлашмаси»да бир кун

«Бек» бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат вилоятда, балки мамлакатимиз миқёсида ҳам харидорлиқ. Ишбилармон Улуғбек Сотиболдиев раҳбарлиги остида 15 га яқин хусусий МЧЖ 2011 йилда «Бек бирлашмаси»га бирлашди. Бунда маъзур тадбиркорлик корхоналарини бошқаришни марказлаштириш орқали ҳуқуқий кўмакни тўғри амалга ошириш, соҳалар ривожини таъминлаш кўзда тутилган эди. Мақсад ўзини оқлаганини бугун корхоналар даромади, иш ўрни доимийлигини йил сайин ортиб бораётгани тасдиқламоқда.

Асосий объектлари Гулистон шаҳрида жойлашган бирлашмада ҳозирда уч мингдан зиёд ишчи меҳнат билан банд. Эътиборлиси, асосан ёшлар иш билан таъминланган. Корхона фаолияти халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга сотишдан иборат. Ҳозирда мато, либослар, тиббиёт буюмлари, қурилиш моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқатни қадоклаш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

— Тадбиркорлик билан 16 йилдан бери шуғулланиб ке-

ламан. Ишни «Бек» хусусий фирмаси фаолияти билан бошлагандим. Ҳозирда ўзим иқтисодчиман. Билим ва тажрибам ишни тўғри ташкил қилишда кўл келаяпти, — дейди тадбиркор Улуғбек Сотиболдиев.

«БЕК ШИРИНЛИКЛАРИ» ДУНЁСИ

«Бек бирлашмаси» таркибидида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Камалак универсал савдо» хусусий корхонаси ишчилари билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ўз меҳнатидан мамнулигини дарров сезасиз.

— Бу ерда ишлаётганимга 4 йил бўлди. Келганимда иш таърибасига эга эмас эдим. Устозим Маҳбуба опа Шокирова кўмағида бугун 50 дан ортиқ ширинликни мустақил тайёрлай оладиган бўлдим, — дейди Гулзода Марилова.

— Қизларимизнинг ҳаммаси ҳам тадбиркор, — дейди ҳазил аралаш қандолат ишлаб чиқариш устаси Мохира Ҳамроқулова. — Улар ишдан бўш вақтида уйда кўни-кўшиларига қандолатчиликни ўргатишади. Семимли касбларидан барака толиб, ҳормай-толмай ишлашади.

20 нафар ишчидан иборат жамоа турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. «Бек ширинликлари» номи билан машҳур маҳсулотларнинг вилоят савдо дўконларида харидори мўл. Қолаверса, турли тадбир, тўй-маросимлар учун ҳам буюртма бериб кетишади. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Раҳбаримиз Нодир Мамажонов ишчиларнинг тоза кий-

имию, вақтида иш бошлаши, тўғри овқатланиб, яхши дам олишига эътиборли.

КОРХОНА МАХСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТГА

«Бек-текс» МЧЖ бирлашма таркибидидаги йирик корхоналардан бири. Корхона болалар, аёллар ва эркаклар учун трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради. Ҳодимларнинг 90 фоизи хотин-қизлар. Оқддий қишлоқ қизларининг замонавий тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётгани кишини хурсанд қилади. Яна бир эътиборли жиҳати, кийимлар асосан буюртма асосида тайёрланади. Айни вақтда бу ерда тикилаётган трикотаж маҳсулотлар Россия, Қозоғистон ва Белорус давлатларига экспорт қилинмоқда. Цехларга хориждан замонавий, сўнгги русумдаги 151 та тикув машинаси келтириб ўрнатилгани иш суръатини янада яхшилаш имконини бермоқда.

— Болалар кийимлари тайёрланиш жараёни жудаям қизиқ, — дейди Манзура Қувондиқова. — Либослар дизайни, танланган ранги, берилаётган безакларига ҳар биримиз ўз гоёмизини сингдириб, янги кийимлар тайёрлаймиз.

Корхона директори Алижон Эрматов худудда қурилиш, пардозлаш ишлари амалга оширилаётганлигини меҳнат жараёнини янада қулайлаштириш ва чет эллик буюртмачилар сонини кўпайтириш билан изоҳлади.

Ўз мухбиримиз

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Ёз завқли ўтмоқда



Ў. (1). ХАМКОРЛИК НАТИЖАСИДАГИ ЭЗГУ АМАЛЛАР

Кизилтепа туманида жойлашган «Нимкон» ва «Дўстлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ҳар бири 100 ўринга мўлжалланган. Жорий мавсумда уларда 500 нафар боланинг дам олишига эришилмоқда.

Ҳар иккала оромгоҳда ҳам бичиш-тиқиш, бисер иши, тасвирий санъат, спорт турларидан шахмат-шашка, стол тенниси ва кураш, шунингдек, ёш китобсеварлар тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган.

«Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Ватанимиз тарихини биласизми?», «Дўст билан обод уйинг», «Ажойиботлар олами» мавзуларидаги давра сўхбатлари болаларда катта таассурот қолдирмоқда.

Тумандаги «Пахта тозалаш заводи» билан «Ванғоз-Агроэксспорт» МЧЖ томонидан болажонларнинг сифатли озиқ-овқат билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

УНИТИЛМАС ОНЛАР СУРУРИ

Навий кон-металлургия комбинати тасарруфидаги оромгоҳларда 9 минг 522 нафар бола дам олдирди. Фарзандлари учун яратилган шароитнинг талаб даражасида ташкил этилаётганлиги ота-оналар кўнглини тоғдай кўтармоқда, янада шижоат билан ишлашга қўрқолмоқда.

Тасарруфдаги 5 та оромгоҳдан ташқари, 5 та кундузи оромгоҳларда ташкил қилинган кутубхоналар 10 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Жалб этилаётган ишчи-ходимлар корхона маблағлари ҳисобидан ўқув тайёргарлик машғулотида ўтиштирилди.

Ҳар бир тўғаракка тажрибали мураббийлар бириктирилган, машғулотлар белгиланган жадвал асосида олиб борилади. Турли спорт мусобақала-

ри ва фан тўғрисида болаларнинг жисмоний чиниқиши ва интеллектуал салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Яна бир гап. Корхона тасарруфидаги «Зарафшон» оромгоҳида ҳар йили Нурота, Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларидаги эҳтиёжманд оилаларнинг 7-14 ёшли 500 нафар фарзанди бепул соғломлаштирилади. Шунингдек, Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги «Меҳрибонлик» уйи болаларидан 250 нафарига хомийлик қилинади.

— Ҳар бир кун мазмунли ўтиши учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган, — дейди касабакўм раиси Исроил Курбанов. — Шунингдек, корхона тасарруфидаги «Фарҳод» маданият саройи ходимлари томонидан ҳар бир оромгоҳда режа асосида концерт дастурлари уюштирилмоқда. Шартнома асосида ҳар бир навабда Бухоро давлат «Кўғирчоқ» театрининг ташрифини ташкил этмоқда. Мақсадимиз — уюштирилаётган тадбирлар болаларимиз қалбида бир умр сақланиб қолсин.

«ШАБОДА»ДА ҲАЁТ ҚАЙНАЙДИ

Сармишсой қир-адирлари этагидаги хушманзара табиат қўйнида жойлашган «Шабода» оромгоҳида ҳаёт қайнайдми. Ҳар навабда 300 нафар болани ўз бағрига қорлаётган бу маскан нуфузли корхоналардан бири бўлган «Кизилқумқемент» АЖ тасарруфида.

Корхона маблағлари ҳисобидан оромгоҳда болажонларнинг мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир кун турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари билан файзли ўтмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ТУҲФАСИ

Бундан бир неча йиллар олдин кўримсиз, шароитлари ҳам ҳаминқадар бўлган «Ишонч» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг бугунги кўриниши ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. 2013 йилги Манзилли дастурга мувофиқ қайта реконструкция қилинган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги оромгоҳ жорий мавсумда 5 навабда фаолият юртятапти.

Оромгоҳда ўнлаб тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Танлов ва мусобақалар эса болажонларнинг иқтидорини намойён этмоқда. Айниқса, «Оромгоҳ маликаси», «Ким эңчил?», «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз» каби билимдонлик беллашувлари болаларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омили бўлмоқда.

ҲАММАСИДАН ЎЗГАЧА

— «Навоийазот» АЖ тасарруфидаги «Офтобжон» оромгоҳи ўзининг исмига мос дам олиш масканларидан биридир. Зеро 10 мингдан ортиқ меҳнатқаш фаолият кўрсатадиган корхона касабаси уюшма фаолари зиммасида ҳам катта вазифалар турибди, — дейди касабакўм раиси Тўлқин Рўзимуродов. — Болалар ҳар бир кунни мазмунли ўтказиши учун қўлимиздан келган барча ишни амалга оширмоқдамиз. Энг муҳими, ота-оналар хурсанд. 18 кунлик дам олишдан сўнг фарзандлари бир олам таассуротлар билан уйларида боришади.

Шу сабаб бўлса керак, оромгоҳга бериладиган йўлланмаларга эҳтиёж катта. Келгуши йили илоҳи борича кўпроқ болаларни дам олдиришни режалаштирялмиш. Оромгоҳда кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилган. Биргина иккинчи навабда бу ерда 310 нафар бола дам олди.

Дилафрўз ҲАҲОВА,
«Ishonch» мухбири



Таржимонга ҳоҳат қолмайди

Google корпорацияси турли тиллардаги нутқларни таржима қилиб берувчи ва реал вақтда натижаларни овозли эшитирувчи симсиз қулоқчинлар устида ишламоқда.



Бу ҳақда Google Brain лойиҳачиларидан бири Грег Коррадо журналистлар билан сўхбат пайтида айтиб ўтди, дея хабар тарқатди lenta.ru.

Коррадонинг маълум қилишича, орадан 10 йилча вақт ўтиб турли тилларда сўзлашувчи одамлар ўзаро бемалол гаплаша оладилар ва ҳеч қандай таржимонга эҳтиёж қолмайди.

Таржима нейрон тармоғи тизими ёрдамида вужудга келади. Шундан сўнг, ҳосил бўлган нутқ ўша инсоннинг овозидан фарқ қилмайдиган робот овозида эшиттирилади. Коррадо лойиҳа номини яшириб ўтирмади, аммо буни ривожлантиришга ҳали кўп вақт борлигини таъкидлади.

«Робот чўпон»

Сидней университети олимлари дунёдаги биринчи «робот-чўпон» синовини ўтказаяпти, деб хабар қилмоқда hi-tech.mail.ru. SwagBot деб номланган турт гилдиракли машина синови икун ойда бошланган. «Робот чўпон» кўй, қорамол ва от тўдаларини бир жойга тўплай олади. Дўнгликларни айланб ўтиш орқали яйлос кенгликларидида ҳаракатланиб, оғир юкларни аравада ташийди.



Олимлар ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичида, «робот чўпон»га чорва моллари тана ҳароратини ўлчай оладиган ва уларнинг орасидан касалланганларни аниқлайдиган сенсорларни ўрнатишни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, SwagBot чорва подасини боқиш учун муносиб жой танлай олади. Унга келажакда у ёки бу майдондаги майсаларнинг қалинлигини аниқлайдиган сенсорлар ҳам ўрнатилади.

Аввалроқ, Сидней университети мутахассислари қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳолатини автоматик равишда назорат қила оладиган роботни ишлаб чиқишгани хабар қилинган эди.

Ҳайдовчисиз автобус

Голландияда жамоат фойдаланиш йўлиларида ҳайдовчисиз автобус синовдан ўтказила бошланди. Транспорт Амстердамнинг Схипхол аэропортидан Ҳарлем аҳоли яшаш пунктига қадар 20 километрик йўлни муваффақият билан босиб ўтди, дея хабар бермоқда ТАСС.



Автобус соатида 70 км. тезликка чиқа олади. У светфор чирокларини аниқлаб, шунга мувофиқ ҳаракатланиш имконини берадиган 20 та камера билан жиёзланган.

Ҳарлемга қадар босиб ўтган йўлида ҳайдовчисиз автобус 11 та бекатда тўхтаб ўтди. Хозирча ҳар эҳтиомлга қарши рулда ҳайдовчи ўтирибди. У факултода ҳолатда бошқарувни ўз қўлига олишга тайёр. Кейинчалик автобуслар бутунлай автоматик тизимга ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Ишлаб чиқарувчилар 2020 йилга келиб ҳайдовчисиз автобуслар шаҳар кўчаларида оддий ҳолга айланишини мақсад қилганлар. Аммо мутахассислар бу муҳлат жиддий ўзгаришларни амалга ошириш учун қамлик қилишини эътироф этмоқда.

Кўзга «уланган» телефон

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи кўз ҳаракатлари орқали смартфонларни бошқаришга имкон берувчи дастур устида иш олиб бормоқда, дея хабар бермоқда live news.ru.



Лойиҳа жараёнида Массачусет технология институти (МТИ), Жоржия штати университети гуруҳлари ва германиялик мутахассислар иштирок этмоқда. Айни дамда улар 1-1,7 сантиметрча бўлган аниқлик билан инсон нигоҳининг йўналишини белгилай оладиган дастурий таъминотни тайёрлашди.

Тадқиқот муаллифларидан бири Адитя Ҳосланинг сўзларига кўра, тизимнинг сифати ва аниқлиги катта қисмдаги маълумотларнинг келиб тушганидан сўнг яхшиланади. Бунинг учун тадқиқотчилар инсонлар лабораториядан ташқари ўз телефонлари қандай қарши ҳақида маълумот тўплайдиган Gazearte номли дастур яратишди.

Биринчи навабда, нигоҳ учун бошқариш мультимедия ҳужжатларидан фойдаланиш билан жорий этилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, инновацион тизим ёрдамида видеоларни назорат қилиш ва тўхтаб туриш, мусиқани ёқиб ва суратларни томоша қилиш қулай бўлади.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади

Инсон ва табиат

«Жайрон» экомаркази

Қадимий Бухоронинг мафтункор тарихий обидалари, муборак ва кутлуг зияратгоҳлари, олиму уламоларининг доврўғини ер кўррасининг турли бурчакларида эшитиш мумкин. Аммо унинг мўъжизаларига бой табиати, ҳайвотот ва ўсимлик дунёсининг сину синоатларида ҳам кишини лол қолдирадиган жиҳатлар бисёр.

Бундан 40 йил илгари жайрон, қулон каби ноёб ҳайвонларни, шунингдек, камёб ўсимликларни асраб қолиш ҳамда уларни кўпайтириш мақсадида алоҳида экологик марказ ташкил этилди. Бухоро — Қарши автомагистралининг Когон тумани чегараларидан ўтувчи ҳудудларида жойлашган экомарказининг дастлаб 5145 гектар майдони теварак-атрофи баланглиги 2 метр бўлган симтўр тўсиқлар билан ўраб олинди. Экомарказнинг иккинчи қисми эса 11377 гектар очиқ майдондан иборат бўлиб, ихота вазифасини ҳудуднинг шарқ, ғарб ва жануб томонларидан оқиб ўтадиган дарёлар бажаради.



Маълумотларга қараганда, «Жайрон» экомарказида 240 ўсимлик, ҳайвон ва қушларнинг 257 тури учрайди. Шулардан 23 турдаги қуш ва 10 турдаги ҳайвон Ўзбекистон «Кизил китоби»га киритилган. Бўз эчкимар, оққуш, мармар ўрдак, қора лайлак, оқ думли сув бургути, қирон қора, бургут, жайрон, Бухоро бугўси, қулон, морхўр, Пржевальский отлари, Бухоро тоғ қўйлари, дашт мушуги шулар жумласидандир. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвотот олами генофонди илмий-тадқиқот институти ходимлари WWF халқаро фонди ва INTAS халқаро ташкило-

ти, Россия, Франция, АҚШ, Германия, Украина, Туркменистон ва бошқа давлатлар олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришапти.

Айтиш жоизки, Бухоро вилоятида қумли, гипсли, шўр, гилли ва бошқа тупроқлар учрайди. Ана шундай экологик муҳитларда тарқалган ўсимликлар бир қанча фойдали хусусиятларга эга. Жумладан, дориворлиги, бўёқбоп, қурилишбоп, озукабоп, толали, асал ширали, емхашак ва бошқа жиҳатлари билан муҳимдир. Шу билан бирга, бу ерда камёб ва эндем турлар ҳам мавжуд.



— Ҳозирги кунда вилоятда «Кизил китоб»га киритилган 23 та ўсимлик тури мавжуд, — дейди Бухоро давлат университети ўқитувчиси, илмий-тадқиқотчи Хусниддин Эсонов. — Ушбу турларнинг аксарияти бир вақтлардаги эътиборсизлик туфайли қамайган. Мамлакатимизда экологик хилма-хилликни сақлаб қолишга муносабатнинг ўзгариши туфайли, «Жайрон» экомаркази, Қоровулбозор тумани ҳудудларида ноёб Сўғд лоласи, Леманн лоласи, Вуеденский олигохетаси, Сўғд қарраги каби ўсимликларнинг сонини кўпайтиришга эришилмоқда.

Кейинги йилларда «Жайрон» экомарказини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Айниқса, «Бухоро — Қоровулбозор ҳудудидидаги Жануби-Ғарбий Кизилқум участкасида биологик хилма-

хилликни сақлаб қолиш, чўл тузилмасини тиклаш ва экологик таълим» лойиҳасининг амалга оширилиши гоят муҳим дастуриламал бўлмоқда. Чунотчи, экомарказ ҳудудидида ҳам оддий, ҳам Ўзбекистон «Кизил китоби» ва халқаро «Кизил китоб»га киритилган ноёб ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб турлари яшайди. 29 турдаги сут эмизувчи, 26 турдаги қуш, 21 турдаги рептилия, 2 турдаги амфибия, 15 турдаги балиқ, 300 дан зиёд турдаги умуртқасизлар шулар жумласидандир.

Маъжур лойиҳа экомарказ майдонини кенгайтириш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва Қизилқум саҳросининг ушбу майдонидида жайрон, қулон ва Пржевальский отларининг популяциясини оширишга қаратилган. Бу борада экомарказнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари Наталья Солдатованинг хизматлари катта бўлапти. Сўхбатдошимнинг таъкидлашича, у 1978 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг тақлифига кўра, Украинанинг Аскания-Новадаги ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ва кўпайтириш марказидан бу ерга келган. Кўплаб шоғирдлари билан фаол меҳнат қилапти.

— Сўнги йилларда ҳудудда гепард, сайғоқ ва ламаларни кўпайтириш бўйича тажриба орттирилди. Улар сонини янада ошириш кўзда тутилган, — дейди илмий-тадқиқотчи, Бухоро давлат университети биология кафедраси ўқитувчиси Рашид Раҳмонов. — «Жайрон» экомарказида бажарилган, бажарилаётган ишларни чуқур ўрганиш, натижаларни кенг тарғиб қилиш, марказ фаолиятини ёритувчи илмий-оммабоп ўқув филмлари, китоблар яратиш мақсадаги мувофиқдор. Маъжур экомарказга доир ва ундаги нодир турлар ҳақидаги маълумотлардан мактаблар, лицейлар, коллежларда фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Янги дарслик ва қўлланмалар яратиш ҳам давр талабидир.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'romonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Husug va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta hahoning seshanba, payshanba va shonba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyot nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhib: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdullajolov

Bosilgiga topshirish vaqti: — 20:50
Topshirildi: — 21:10

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma f — 715.
13951 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133
Tahririyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Infoliteka Bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100